

## Аёл кишининг намоздаги либоси

05:00 / 09.01.2017 5276

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Аёл киши қандоқ кийимда намоз ўқийди?» деб сўралди. У киши: «У химорда ва бутун жисмини тўсиб икки қадамнинг устини бекитиб турадиган кўйлакда намоз ўқийди», дедилар».**

Шарҳ: «Химор» аёл кишининг боши ва кўксини тўсиб турадиган рўмолга ўхшаш нарса.

Демак, аёл киши юзидан бошқа жойини очмайдиган кийим кийиб намоз ўқиши керак.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**«Аёл киши кўйлак ва химор ила лунгисиз намоз ўқиса бўладими?» деб сўрадим. У зот:**

**«Агар кўйлак бутун жисмини тўсиб, икки қадамнинг устини бекитадиган бўлса, бўлади», дедилар».**

Иккисини Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ривоят олдингисини таъкидлаб келмоқда.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ ҳайз кўрувчининг намозини фақат химор ила қабул қилади», дедилар».**

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Демак, аёл киши боши ва кўксини тўсиб турувчи кийим ҳамда рўмолсиз намоз ўқиши мумкин эмас.